

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 18 сентябрь, № 185 (4338)

Сешанба

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Пенсионерларни ижтимоий қўллаб- қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш буйича аниқ мақсадга йўналтирилган сивбатни амалга оширишни давом эттириш, кексалар тўғрисидаги гамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг пенсияларни миқдорини ошириш, шунингдек пенсия таъминоти тизimini изчиллик билан такомиллаштириб бориш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 октябидан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг етти қаррасидан саккиз қаррасигача миқдорда оширилсин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харajatлар Ўзбекистон Республи-

каси Молия вазирлиги ҳузуридagi бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, шунингдек, зарур ҳолларда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсияларнинг миқдорлари ўз вақтида қайтадан

ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 17 сентябрь

И. КАРИМОВ

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING «PENSIONERLARNI IJTIMOIY QULLAB-QUVVATLASHNI KUCHAYTIRISH BORASIDAGI CHORA-TADBIRLAR TUGRISIDA»GI FARMONIGA SHARH

Мамлакатимиз мустақилликка эришган даврларда кўп қанчалар аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини изчил ҳамада аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда ошириб боришга, аҳолининг муҳтож қатламлари — пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг аниқ ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сивбатни ўтказиш фoят муҳим устувор вазира бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда эришилган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляциянинг паслиги мана шу кенг миқёсли ижтимоий вазираларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун ишончли негиз яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан стратегик муҳим вазира — ҳар уч йилда аҳоли даромадлари ва иш ҳақининг ўрта ҳисобда 2-2,5 баравар оширилишини таъминлаш, яқин йиллардаёқ ўз аҳолиси даромадлари ва фаровонлигининг юксак стандартларини таъминлаётган мамлакатлар даражасига кўтариш вазираси қўйилган.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тизимига пенсионерлар тўғрисида гамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити ва сифатини яхшилаш муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимининг қонунчилик базаси ва механизмлари муттасил такомиллаштириб боришмоқда — 2002 йилдан бошлаб мамлакатда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган меҳнат стажига давоматини чеклаш бекор қилинган, 2005 йилдан бошлаб эса пенсия маблағларини фуқароларнинг жамғарма ҳисобварақларида яқна тартибда жамғариш таъминоти асосланган пенсия тизимининг янги қўшимча механизми жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон давлатимизда пенсия ўсишига етган дeярли 3 миллион фуқаро даромадларининг асосий манбаи — пенсияларни янада кўпайтиришни таъминлаш буйича аниқ-равшан вазираларни амалга оширишдаги муҳим босқич ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 октябрдан жорий этиладиган ушбу Фармоннинг муҳим хусусияти шундаки, пенсияни ошириш пенсияни ҳисоблаш учун қабул қили-

надиган даромадларнинг чекланган миқдорларини энг кам иш ҳақи миқдорининг етти қаррасидан саккиз қаррасигача миқдорга ошириш ҳисобидан таъминланади.

Бунинг боиси шунки, кейинги йилларда ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақига нисбатан илдам суръатлар билан ортиб бормоқда, пенсия ўсишига етган шахслар орасида эса меҳнат даромадлари юқорида бўлган ходимлар улуши тобора кўпаймоқда.

Мазкур норманиннг жорий этилиши шу йилнинг 1 октябидан қонунчилик қўғишга қадам нисбатан юқори иш ҳақи олган пенсионерларнинг талайгина тоифаси учун пенсиялар миқдорини анча кўтариш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолат таъминоти мустаҳкамлаш, аҳолининг кўпроқ ҳақ тўланадиган унумли меҳнатдан, мамлакат иқтисодий-ири ривожлантириш ва ислох қилишда фoлpoқ иштирок этишдан манфаатдорлигини кучайтириш имконини бeради.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2007 йилнинг 1 октябидан кейин пенсияга чиқадиган фуқароларга эмас, балки, биринчи навбатда, ҳозирги кунда пенсияда бўлган фуқароларга ҳам тааллуқлидир. Шу муносабат билан, ижтимоий таъминот органлари томонидан пенсияни таъинлашда ўртача иш ҳақи энг кам иш ҳақининг етти қарра миқдоридан ортиқ бўлган шахсларнинг илгари таъинланган барча пенсияларини қайта кўриб чиқилади, пенсиялар янги нормативдан келиб чиққан ҳолда оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонидa ижрога ҳoқимият органларига пенсияларнинг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини ҳамада уларнинг жорий йилнинг октябрийдаёқ оширилган миқдорда тўлиқлигини таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонидa назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, зарур ҳолларда эса Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2007 йилнинг ўзидaгина 20 миллиард сўмдан ортиқ, 2008 йилда эса 100 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади.

## ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ДУНЁ ХАРИДОР



Авал хабар қилинганидек, кеча пойтахтимизда III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ва IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференцияси иш бошлади. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, пахта бўйича Халқаро маслаҳат кўмитаси, бу соҳада энг нуфузли нашр — «Cotton Outlook» журнали, шунингдек, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» Ўзбекистон пахта тoласини сертификатлаш маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда дунёнинг салкам 40 мамлакатидagi 250 та компаниянинг 450 дан зиёд вакиллари иштирок этмоқда.



Тошкентда Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини ўтказиш аниқанга айланиб бораётгани, аввало, бу мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар, шу жумладан, пахтачилик соҳасидаги ижобий ўзгаришларнинг натижасидир, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ш. Мирзиёев ярмаркаси очар экан. Биринчи шундай ярмарка 2005 йилнинг октябрий ойида Президент Ислам Каримовнинг раҳнамолиги ва бевосита ташаббуси билан ташкил этилган, мамлакатимизда пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш борасидаги халқаро ҳамкорлиқни ри-

вожлантиришда янги босқич бошланди. Бу йил ярмаркага келган хорижий тўқимачилик компаниялари вакиллари-нинг сонини ўтган йиллардагига нисбатан сезиларли даражада ортгани Ўзбекистоннинг жаҳон пахта бозорига етакчи иштирокчи сифатида нуфузи ва маневри ошаётганидан далolatдир. Ўзбек пахтачининг жаҳон бозорига жадал ва ишончли қадамлар билан кириб бориши халқаро иқтисодий алоқалар яратиши учун самарали восита бўлиб хизмат қиладди.

Пахта бўйича Халқаро маслаҳат кўмитаси ижрочи директорини жаноб Т. Таунсенд Тошкентда ўтаётган Халқ-

аро ярмарканиннг аҳамияти хусусида тўхталаркан, хусусан, у ахборот алмашиш, инвестициялар киритиш ва савдо-сотик ҳажминини кенгайтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. Шу билан бирга, нуфузли меҳмон иштирокчилар эътиборига дунёда пахта етиштиришнинг ҳозирги аҳоли, сақлаш ва захираси бўйича маълумотларни тақдим этиб, пахтачиликнинг 2009-2010 йиллардаги истиқболлари бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ўзбекистон пахта ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишда халқаро хўжалик муносабатларининг энг фoл

иштирокчиларидан бирига айланди. Ўзбек пахтачиси Фарб ва Шарк бозорларида талаб ортмоқда. Табиийки, бу жиҳат учунчи ярмарка ташкилотчилари томонидан ҳисобга олинган ва бу соҳадаги халқаро ўртасида олдидан сартномаларини имзолашда самарали таъсир этади, — деди Т. Таунсенд.

«Cotton Outlook» журнали бошқарувчи директори Р. Батлер Тошкентда ўтказилаётган барча ярмаркаларда қизгин иштирок этаётганини мамнуният билан изҳор қилиб, бу ярмаркалар, том маъ-

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Муҳофаза ва ҳавфсизлик масалалари кўмитасининг «Муҳофаза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фаргона вилоятидаги ижросига бағишланган кенгайтирилган йилгилиши бўлиб ўтди. Йилгилишини мазкур кўмита раиси А. Турсунов бошқарди.

Таъкидландики, вилоят ҳокимлиги, муҳофаза ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамада муҳофазага қўмақлашувчи «Ватанларвар» ташкилоти қонун ижроси юзасидан аниқгина ижобий ишлар олиб боришган. Жумладан, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган ёшлар ҳамада ота-оналар ўртасида юртимиз қуролли кучларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб-таъшиқ қилишда жиҳдий эътибор қаратилган. Шунингдек, ҳарбий хизматта мажбурларни рўйхатга олиш ишлари ўз вақтида ва тўлиқ ўтказил-

ган. Жорий йил 1991 йилда тузилган 34193 нафар ўғил бола ҳисобга олинган.

Сўзга чиққанлар эришилган ютуқлар билан бир қаторда вилоятда қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилганини ҳам қайд этишди. Мақтаб ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимни муассасаларида ёшларни ҳақирўжча таъбирлаш фoнни бўйича ўзв мазориларни ва қуролларни етарли даражада эмаслиги, сафарбарлик захирасига қаҳрир бўйича бадалларнинг тўлиқ ундирилмаётгани таъкидланди. Ушбу масалаларни бартараф этиш бўйича вилоят мутасадди ташкилотлари масъуларига тегишли таъсиялар берилди.

Кеча, шунингдек, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, Халқ демократик, «Адолат» социал-демократик ҳамада «Миллий тикланиш» де-

(Давоми 2-бетда).

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ



Юртимизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланаётди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги миллий боғда Абдулла Қаҳҳорга ўрнатилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият арбоблари, олимлар, талаба-ёшлар, жамoатчилик вакиллари йиғилдилар.

(Давоми 2-бетда).

90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳизматларининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда, № 12, 660-модда; 2007 йил, № 1, 1-модда, № 7, 322, 325-моддалар) 8-моддасининг тўртинчи қисмидаги «тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда) 1-илловаси эллигинчи хатбошидаги «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлдан қиради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 14 сентябрь  
№ УРҚ — 109

8

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил

Буюлаш чизмиги

Киркириш чизмиги

ция тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан ҳука қўлайтириш, уни қўлайтириш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади;»

2) саккизинчи бўлим қуйидаги мазмундаги атама билан тўлдирилсин:

«Кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин — ўйин ташкилотчиси (ўйин муассасаси) томонидан бир ёки ундан ортиқ иштирокчилар билан тасодифга (воқеага) ва (ёки) ўйин иштирокчисининг қобилияти, эгиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ ютуқ тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мажмуини назарда тутувчи ўйин, шу жумладан тотализаторлар, казино, шунингдек ўйин автоматларидан фойдаланиладиган ўйин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил,

Буюлаш чизмиги

№ 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар) 191-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«191-модда. Кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар

Кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этиш — ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбахо буюмларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил давомда такрор содир этиш ёҳуд воқеа етмаган шахсини кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш —

ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбахо буюмларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш ёки

5





Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



Йигирманчи турдан сўнг

Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионатининг 20-тур учрашувлари ортада қолди.

Ушбу турда амалдаги чемпион "Пахтакор" Қаршида Уче Йехероуменинг ягона голи ҳисобига "Насиф"ни мағлубиятга учратди.

Ҳафтадан тўхтатиб, дегандилар.

20-турнинг қолган учрашувларида кўйидаги натижалар қайд этилди: "Металлург"—"Машъал" 0:2, "Локомотив"—"Қизилқум" 3:0, "Вобекент"—"Самарқанд-Динамо" 2:2, "Андижон"—"Бухоро" 0:0, "Шўртан"—"Трактор" 3:3, "Қурувчи"—"Тўлоланг" 4:1.

Турнир жадвалида "Пахтакор" 56 очко билан пешқадам бўлиб турибди. "Қурувчи" 49 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Учинчи, тўртинчи ўринларни эгаллаб турган "Нефтчи" ва "Машъал" жамоалари 45 тадан очко жамғаришган.

Озарбойжон пойтахти Бокуда юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати бошланди.

ЧЕМПИОНЛИК КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Ушбу нуфузли мусобақада Элдор Ҳафизов (55 кг.), Дилшод Орипов (60 кг.), Равшан Рўзкулов (66 кг.), Жаҳонгир Мўминов (74 кг.), Денис Здориков (84 кг.), Геннадий Ҳаидзе (96 кг.) ва Давид Солдатзе (120 кг.) сингари полвонларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Корда — Кичкинтойлар

Наманган шаҳридаги «Дустлик» теннис мажмуасида ўтказилган «Кичкинтой» турнирида юздан ортиқ қуйи синф ўқувчилари ўзаро куч синашдилар.

Кичик теннисга меҳр қўйган бу болакайлар беллашувининг барча иштирокчилари уларига мусобақа голиби сифатида қайтдилар. Кичкинтойларга «Саломатлик» институтининг вилот филиали ҳамда теннис федерациясининг эсдалик совгалари топширилди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Наманган томонларда

ХУШ КЕЛИБСИЗ, МЕҲМОН!

Давлатбод даҳасида қад ростлаган «Наманган» меҳмонхонаси ана шу сўзлар билан ўз ашиқларини очди. Вилотнинг ҳаво дарвозаси ҳисобланган аэропортнинг ёнгинасидаги уч юздўзли бу маскани тadbиркор Аҳмад-жон Бойдаев барпо этди.

КАСБ-ҲУНАР ЎРГАНИШАДИ

Наманган туманидаги Хонобди қишлоғининг ҳам энди ўз касб-ҳунар коллежи бор. «Қурувчи» масъулияти чекланган жамияти бинокерлари бу ерда ёшлар учун ажойиб қошона тиклаб бердилар. Уни барпо этиш учун давлат ҳазинасидан 2 миллиард 134,6 миллион сўм маблағ сарфланди.

Вилотда биргина жорий йилнинг ўтган ойларида ўн иккита замонавий коллеж биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ХУСУСИЙ БОҒЧА ЧОРЛАЙДИ

Наманган шаҳридаги «Баҳодир эшон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида вилотда биринчи бўлиб хусусий мактабгача тарбия муассасаси иш бошлади. «Ширинтой» деб бевқор болаларнинг деб номланган боғча дастлаб ўттиз нафар кичкинтойни бағрига олди.

Кудратилла НАЖИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТОШКЕНТ МИНТАКАВИЙ БЮРОСИ

Россия Федерациясида шартнома асосида ишлаш истагида бўлган фуқаролар эътиборига!

Сиз жорий йилнинг 18 сентябридан 28 сентябрга қадар қуйидаги мутахассисликлар бўйича Тошбюрога мурожаат этишингиз мумкин:

- гишт терувчи;
- монолитчи;
- сувоқчи;
- плиткачи;
- бўёқчи;
- гипскартончи;
- гидроизоляциячи;
- пайвандчи-монтажчи;
- дурадгор;
- темир жисмларни таъмирлаш бўйича чилангар;
- чилангар-сантехник;
- вагонлар кўзғалиш қисмини таъмирлаш бўйича чилангар;
- кўтарма кран бошқарувчиси;
- юк ташувчилар;
- 5, 6-разрядли электрпайвандчи;
- токарлар.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:
- ёши — 20 дан 50 гача;
- кўрсатилган мутахассислик бўйича иш малакаси 3 йилдан кам бўлмаганлар;
- рус тилини билишлари шарт.

Зарурий ҳужжатлар:
- паспорт (асли) ва барча бетлари нусхаси 5 та;
- харбий гувоҳнома (асли) ва нусхаси 2 та;
- сўралган мутахассислик ва соҳа бўйича билимини тасдиқловчи ҳужжат: диплом ёки сертификат (асли) ва нусхаси 5 та;
- меҳнат дафтарчаси (асли) ва барча бетлари нусхаси 5 та;
- 3x4 ҳажмдаги фотосурат 6 та;
- конверт ва ҳужжатлар папкаси.

Меҳнат дафтарчаси ва диплом ўзбек тилидан рус тилига таржима қилинган бўлиши лозим!
Ҳужжатлар эълон чоп этилгандан бошлаб 28 сентябрга қадар қабул қилинади.

Ҳужжат ва аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратosh кўчаси, 44-уй, 1-қават, 9-хона.
Мўлжал: Хадра майдони, SAMSUNG, Мебеллар дўкони орқасида.
Маълумот учун телефонлар: 134-44-13, 227-08-78.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газевейс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳуқуқдаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
• буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
• икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
• ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
• ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
• ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собик «Госпитал») бозори, саннат моллари қаторида 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 5 октябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қайтадан қўймоқда:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 28 февралдаги 2444/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц.мавзеси, 13-уйнинг 1-қаватида жойлашган «Карвон шароб савдо» ШКга тегишли, умумий майдони 24,2 кв.м. бўлган омбурифат бино. Бошланғич баҳоси — 8 888 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда омакет бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» минн банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари қозасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

Лицензия DB001-000010.

Шунингдек, Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 18 августдаги 162-сонидан эълон қилинган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 11 декабрдаги 29300-03/7-сонли, 29318-20/7-сонли, 29321-23/7-сонли ва 29285-87/7-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналминал кўчаси, 100-«А» уйда жойлашган «Toshmetomaxsusquillish» бошқармасига тегишли, умумий майдони 1088 кв.м.дан ташкил топган кислород станцияси биноси ва қоровул хонаси объекти аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали

очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

2007 йил 3 октябрь куни соат 11.00 да Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг савдолар залида объект бошланғич баҳоси қўйриллаб борувчи очик аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қайтадан қўйилмоқда:

Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, Биковская йўлиги, 5-уйда жойлашган «Самарқанд-99» МЧЖга қарашли:

- а) омбури биноси, 1985 йилда қурилган, бир қаватли, қурилган майдони — 1940 м², бошланғич баҳоси — 63 800 000 сўм;
б) «Обь» дистанцион комплекси, бошланғич баҳоси — 56 800 000 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси шу йилнинг 19 октябрь ва 5, 21 ноябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг 20208000404460401001 ҳисоб рақамига, МФО 00317, СТИР 206074208 АТБ «Ўзсаноатқурилиш-банк»нинг Самарқанд вилоти минтақавий филиалига объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулини тўлашлари лозим. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига 1 кун қолганда тўхтатилади.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саннат палатаси вилот бошқармаси биноси, 1-қават, 3-хона. Телефонлар: 210-11-07, 234-06-38.

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Advertisement for GAZ vehicles. Includes images of various models like GAZ-3221, GAZ-31105, GAZ-33023, GAZ-33024, GAZ-33027, GAZ-33028, GAZ-33029, GAZ-33030, GAZ-33031, GAZ-33032, GAZ-33033, GAZ-33034, GAZ-33035, GAZ-33036, GAZ-33037, GAZ-33038, GAZ-33039, GAZ-33040, GAZ-33041, GAZ-33042, GAZ-33043, GAZ-33044, GAZ-33045, GAZ-33046, GAZ-33047, GAZ-33048, GAZ-33049, GAZ-33050, GAZ-33051, GAZ-33052, GAZ-33053, GAZ-33054, GAZ-33055, GAZ-33056, GAZ-33057, GAZ-33058, GAZ-33059, GAZ-33060, GAZ-33061, GAZ-33062, GAZ-33063, GAZ-33064, GAZ-33065, GAZ-33066, GAZ-33067, GAZ-33068, GAZ-33069, GAZ-33070, GAZ-33071, GAZ-33072, GAZ-33073, GAZ-33074, GAZ-33075, GAZ-33076, GAZ-33077, GAZ-33078, GAZ-33079, GAZ-33080, GAZ-33081, GAZ-33082, GAZ-33083, GAZ-33084, GAZ-33085, GAZ-33086, GAZ-33087, GAZ-33088, GAZ-33089, GAZ-33090, GAZ-33091, GAZ-33092, GAZ-33093, GAZ-33094, GAZ-33095, GAZ-33096, GAZ-33097, GAZ-33098, GAZ-33099, GAZ-33100. Text describes features and contact info for AVTODOM PLUS.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' newspaper. Includes contact info for the publisher and subscription rates.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ'. Includes contact info for the newspaper and subscription rates.

Advertisement for 'Шарқ' newspaper. Includes contact info for the publisher and subscription rates.

Advertisement for 'MANZILIMIZ' real estate agency. Includes contact info for the agency and listing of properties.